

**МИЛЛИЙ ТЕХНОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
«МИСИС» НИНГ ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.22/30.12.2019. Т.98.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА
ТУЗИЛГАН БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ
ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

НИЗАМОВА АЛЬБИНА ТАЛГАТОВНА

**ОЛТИН РУДАЛИ КОНЛАРНИ ЕР ОСТИ УСУЛИДА ҚАЗИБ ОЛИШ
ШАРОИТИДА ГЕОМЕХАНИК ЖАРАЁНЛАРНИ МАТЕМАТИК
МОДЕЛЛАШТИРИШ НЕГИЗИДА ТОҒ ЖИНСЛАРИ МАССИВИ ВА
ЕР СИРТНИНГ СИЛЖИШИНИ ПРОГНОЗЛАШ**

04.00.09 – Маркшейдерия

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философия (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Низамова Альбина Талгатовна

Олтин рудали конларни ер ости усулида казиб олиш шароитида геомеханик жараёнларни математик моделлаштириш негизида тоғ жинслари массиви ва ер сиртининг силжишини прогнозлаш..... 3

Низамова Альбина Талгатовна

Прогнозирование сдвижения земной поверхности и массива горных пород на базе математического моделирования геомеханических процессов в условиях подземной разработки золоторудных месторождений..... 21

Nizamova Albina Talgatovna

Forecasting the displacement of the earth's surface and rock mass on the basis of mathematical modeling of geomechanical processes in the conditions of underground mining of gold deposits..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 42

**МИЛЛИЙ ТЕХНОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
«МИСИС» НИНГ ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.22/30.12.2019. Т.98.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА
ТУЗИЛГАН БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ
ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

НИЗАМОВА АЛЬБИНА ТАЛГАТОВНА

**ОЛТИН РУДАЛИ КОНЛАРНИ ЕР ОСТИ УСУЛИДА ҚАЗИБ ОЛИШ
ШАРОИТИДА ГЕОМЕХАНИК ЖАРАЁНЛАРНИ МАТЕМАТИК
МОДЕЛЛАШТИРИШ НЕГИЗИДА ТОҒ ЖИНСЛАРИ МАССИВИ ВА
ЕР СИРТНИНГ СИЛЖИШИНИ ПРОГНОЗЛАШ**

04.00.09 – Маркшейдерия

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Т396 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.misis.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Саййидқосимов Саййиджаббор Саййидқосим угли
техника фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар: Низаметдинов Фарит Камалович
техника фанлари доктори, профессор
Чунуев Ишимбай Карыбаевич
техника фанлари номзоди, профессор

Етакчи ташкилот: «O'zGEORANGMETLIT» ДУК

Диссертация ҳимояси Миллий технологик тадқиқотлар университети «МИСиС»нинг Олмалик шаҳридаги филиали ҳузуридаги DSc.22/30.12.2019.Т.98.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «13» январь соат 16⁰⁰ 304-даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 110101, Олмалик шаҳри, Амир Темура кўчаси, 56-уй. Тел.: (70) 614-22-57; e-mail: afnitumisis@mail.ru).

Диссертация билан Миллий технологик тадқиқотлар университети «МИСиС»нинг Олмалик шаҳридаги филиалининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (20-03-Д-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 110101, Олмалик шаҳри, Амир Темура кўчаси, 56-уй. Тел.: (70) 614-22-57.

Диссертация автореферати 2020 йил «29» декабр куни тарқатилди.
(2020 йил «29» декабрдаги «3» рақамли реестр баённомаси)



Ф.Я. Умаров
Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д, доцент

Г.С. Нутфуллаев
Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н., доцент

Ю.Д. Норов
Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий
семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кончилик ишлари чуқурлашиб борган сари (1000 м ва ундан ортиқ) тоғ жинслари ва ер сиртини силжиши билан боғлиқ геомеханик муаммолар мавжуд жараёнларнинг миқёсини ошириш, қурилишли ҳудудларда ер ости бойликларини ўзлаштириш, кончилик корхоналарининг қувватини жадал ошириб бориши туфайли, долзарб тус олади. Фойдали қазилма конларини ер ости усулида қазиб олишнинг бутун тарихи давомида тоғ жинслари ва ер сиртининг силжиши муаммоси ҳар доим муҳим аҳамият касб этган. Конларни қазиб олиш чуқурлиги 2000 метрдан ошганлиги тоғ жинслари массивидаги кучланиш-деформацияланиш ҳолати ва кончилик ишларини самарали ва беҳатар олиб борилишига кескин таъсир кўрсатмоқда.

Бугунги кунда дунё амалиётида силжиш жараёнларини ўрганишга бағишланган кўп сонли тадқиқотларга қарамасдан ҳанузгача кўпгина масалалар ўз ечимини топгани йўқ. Бунга сабаб ўзлаштирилаётган конлардаги мавжуд кучланиш-деформацияланишнинг пайдо бўлиш тавсифининг мураккаблиги ва кўп сонли табиий ва техноген омилларнинг таъсиридир. Шунинг билан бирга, тағ томонидан қазиб бориладиган табиий объектлар, кон лаҳимлари, бино ва иншоотларни тоғ жинслари массивининг силжиши ва деформацияланиши параметрлари ва деформацияланишнинг прогноз ҳисоблари негизида кончилик ишларининг салбий таъсирдан муҳофазаланишнинг муҳандислик усуллари ишлаб чиқиш масалаларини ечиш ҳозирда муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланган кончилик саноатини ривожлантириш даражасини яхшилаш, айниқса мураккаб сейсмотектоник шароит ҳамда катта чуқурликда жойлашган фойдали қазилма конларини ер ости усулида қазиб олишга эътибор катта. Ўзбекистондаги кўпгина рудникларда кончилик ишлари 600 м ва ундан ортиқ чуқурликда олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш ва меҳнат самарадорлигини ошириш вазифалари белгиланган. Шунинг билан боғлиқ бўлган олтин рудали конларни ер ости усулида қазиб олишдаги тоғ жинслари ва ер сиртининг силжиш жараёнини прогнозлаш вазифаларини бажариш катта илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ² 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707 сон «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чоратадбирлар дастури тўғрисида»ги ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари, 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4124-сон

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

² <http://www.lex.uz>

«Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тоғ жинсларининг силжиши муаммоларини ўрганишга П.Н.Леонтовский, И.М.Бахурин, О.Л.Кульбах, С.Г.Авершин, Д.А.Казаковский, В.В.Соколовский ва бошқаларнинг ишлари бағишланган. Сўнги йиллардаги тадқиқотларда М.А.Кузнецов, Г.А.Орлов, С.П.Колбенков, Е.В.Куняев, П.Ф.Гартнер, И.А.Петухов, Ф.К.Низаметдинов, В.Н.Гусев, М.Б.Нурпеисова, Рахимов В.Р., С.С. Саййидқосимов, Williams I., Szwedzicki T., Rossouw P.A., Fourie G.A., Zhang L, Tyler W.D., Stewart D.S., Trueman R. Whiten W., Laubscher D.H., Butcher R.J. ва бошқалар катта ҳисса кўшган. Улар томонидан тоғ жинсларининг ва ер сиртининг силжиши муаммолари ечимига бағишланган тадқиқотлар самарадорлигини оширишга эришилган.

Бироқ, ўтказилган тадқиқотлар натижасида мазкур муаммо бўйича иккита йўналиш шаклланиган: кон босими, тоғ жинсларининг ва ер сиртининг силжиши. Биринчи йўналиш бўйича тоғ жинсларининг силжиши массивда ва кон лаҳимларида ўрганилади. Иккинчи йўналиш бўйича ер сирти ва оралик тоғ жинсларининг силжиши кончилик ишларининг салбий таъсирдан иншоотлар ва кон лаҳимларининг устиворлигини ҳимоя қилиш мақсадида ўрганилади. Бу ҳолатда кўпинча ер сирти силжишининг тадқиқоти инструментал кузатишлар воситасида олиб борилади, тоғ жинслари қатлами ва кон лаҳимларида мазкур амаллар камроқ бажарилади.

Диссертацион тадқиқотлар иккинчи йўналишга таълуқли масалалар ечимига қаратилган. Тоғ жинсларининг силжиши билан боғлиқ масалаларнинг мураккаблиги шундаки, уларнинг энг муҳимлари лойиҳалаш ва қуриш даврида ечимини топишни тақазо этади. Айнан ушбу даврда хавфли силжиш зоналарининг лойиҳавий чегарасини ўргатиш, стволларнинг ўрнини белгилаш, саноат иншоотлари ва яшаш қўрғонларини қуриш, ҳимоя целикларини ва бошқа муҳофаза иншоотларини аниқлаш каби ечимлар қабул қилинади.

Шундай қилиб, тоғ жинслари массиви ва ер сиртини силжишига оид адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, муаммонинг баъзи бир масалалари ҳанузгача ўз ечимини топмаган ва бу ҳолат эксплуатация қилинаётган конлардаги кучланиш деформацияланишининг мураккаб содир бўлишлиги ҳамда бунда лойиҳаларда ҳисобга олиниши мураккаб бўлган табиий ва техноген факторлар иштирок этилиши долзарб муаммо ҳисобланади ҳамда ушбу йўналишда тадқиқотларни давом эттириш илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университетининг илмий-тадқиқот режасининг “Ер юзасининг силжишини кузатиб бориш, казиб олиш хавфсизлигини таъминлаш” (2012-2014 й.й.) ҳамда «Компьютер моделлаштириш ва инструментал усулларни қўллаб Чармитан конида таг томондан қазилаётган массивнинг кучланиш-деформацияланиши ҳолати ва силжиш жараёнини тадқиқ қилиш» (2011-2018 й.й.) мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Кончилик ишларининг салбий таъсири доирасида геомеханик жараёнларни мониторинги ва математик моделлаштириш негизида олтин рудали конлардаги тоғ жинслари массиви ва ер сиртининг силжишини, уларнинг деформацияланиш қонуниятлари орқали, прогнозлашнинг комплекс усулларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

олтин рудали конларни казиб олишдаги тоғ жинслари массивининг геомеханик ҳолатини тадқиқотларини таҳлил қилиш;

тоғ жинслари массиви геомеханик ҳолатини ўзгаришини прогнозлаш усулларини ишлаб чиқиш;

жойларда олиб борилган тадқиқотлар натижаларини йиғиш ва математик ишлаб чиқиш ҳамда махсус маркшейдерлик кузатувларни бажариш;

Чармитан конида мониторинг натижалари бўйича тоғ жинслари силжиши жараёнини тадқиқ қилиш;

ер сирти ва тоғ жинсларининг силжиш параметрларини математик моделлаштириш методикасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти: Чармитан олтин рудали конида ер сирти ва тоғ жинсларининг силжиши жараёнларининг параметрлари.

Тадқиқотнинг предмети: тоғ жинслари, массивининг кучланиш-деформацияланиш ҳолати ва уларнинг тоғ жинслари ҳамда ер сиртининг силжиш жараёнларига таъсири.

Тадқиқотнинг усуллари: комплекс усуллар бўлиб, ўз ичига олтин рудали конларни ер ости усулида казиб олишдаги силжиш жараёнларини назарий тадқиқи ва таҳлилинини умумлаштиришдаги тадқиқотлар, аналитик ҳисоблар, инструментал кузатиш натижаларини математик ишлаб чиқиш, силжиш параметрларини прогнозлаш ва чекли унсурлар усулидан фойдаланиб, математик моделлаштириш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Зармитан рудникида ишларни самарали ва бехатарлигини таъминловчи кончилик қазилмаларининг таъсир қилувчи ер сиртини силжиш жараёни параметрларини прогнозлаш имконини берадиган деформацион жараёнларни ривожланишига таъсир кўрсатувчи кон-геологик ва кон-техник омиллар асосланган;

таг томони тоғ жинслари массивида содир бўладиган геомеханик жараёнларнинг мониторинги натижаси бўйича Чармитан конидаги силжиш жараёни параметрлари аниқланган;

математик моделлаштириш натижалари руда танасини қазиб олиш туфайли содир бўлган «ер сирти деформациялари йиғиндаси усули бўйича» қазиб олишнинг хавфсиз чуқурлиги параметрлари аниқланган;

Чармитан конида ер сирти силжиши жараёнларининг параметрлари кон шароитида аналитик ва экспериментал усуллар билан аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ҳосил бўлган бўшлиқни ихтиёрий материаллар билан тўлдирганда муҳандислик иншоотларини муҳофазалаш шароити учун қабул қилинган туб тоғ жинслари бўйича ҳимоя целикининг қалинлиги (41 м)ни кончилик ишлари чуқурлиги ва бўшлиқ ўлчамларига мослигининг таҳлилини ўз ичига олган чекли унсурлар усули қўлланган математик масала бўйича зарурий тавсиялар ишлаб чиқилган;

ер сиртини деформацияланиши ва силжишининг параметрларини тадқиқи натижасида, ҳимоя тадбирларини инобатга олган ҳолда, ер ости кончилик ишлари таъсири зонасида жойлашган бино, иншоот ва бошқа объектларнинг шикастланганлик даражаси аниқланди ва зарурий тавсиялари ишлаб чиқилган;

қазиб конларининг беҳатар чуқурлигидан пастда жойлашган руда таналарини қазиб олиш натижасида кутилаётган деформация ҳисоби бўйича кончиликни муҳофазалаш талабларига жавоб берадиган, «Геолог» кўрғони объектлари учун 43 м.га тенг бўлган муҳофаза целикининг қалинлиги аниқланган ва ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ўхшаш конлар шароитида геомеханика соҳасида қўлга киритилган натижаларга таянган ҳолда жойларда ўтказилган экспериментал ишлар ва назарий тадқиқотларнинг сезиларли ҳажми тоғ жинслари массиви ва ер сиртидаги силжиш жараёнларини тадқиқ қилиш учун қазиб олинаётган конни геомеханик модели параметрларини асослаш, саноат миқёсида бажарилган эксперимент натижаларини моделлаштириш натижалари билан сон жиҳатдан таққослаш орқали кончилик корхоналаридаги қазиб ишларини олиб бориш тажрибаси ва бажарилган ҳисоб натижаларини меъёрий ҳужжатлар талабларига мослиги билан исботланди.

Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий моҳияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий моҳияти ер ости кончилик ишларининг салбий таъсири доирасидаги геомеханик жараёнларни аниқлаш; математик моделлаштириш ва мониторинг натижаларидан фойдаланган ҳолда уларнинг деформацияланиш қонуниятларини тадқиқ қилиш, олтин рудали конлар тоғ жинслари массиви ва ер сиртининг силжишини комплекс прогностлаш усулларини тадқиқ қилиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий моҳияти. Диссертацияда муҳофазаланадиган ҳудуд учун ҳимоя целикининг оптимал қалинлиги (43м) аниқланган, моделда олинган кутилаётган деформациянинг ҳисобланган натижаси бўйича «Геолог» кўрғонини ҳимоялаш вариантлари таҳлил қилинган, тоғ жинслари массивининг кучланиш-деформацияланиш ҳолати баҳоланган бўлиб, Зармитан зонасидаги олтин рудали конлар шу жумладан,

Зармитан рудникадаги руда уюми участкасида қазиб олишнинг беҳатарлигини таъминлашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Геомеханик жараёнларни математик моделлаштириш негизида тоғ жинслари массиви ва ер сиртининг силжишини ўрганиш бўйича бажарилган тадқиқотлар асосида:

тоғ жинслари массиви ва ер сиртининг силжиши жараёнларини содир бўлиш омиллари ва кузатиш, деформацияланишнинг асосий параметрларини ўрганишнинг комплекс усуллари «Навоий кон-металлургия комбинати» ДК Жанубий бошқармасининг Зармитан рудникада амалиётга жорий қилинган («Навоий кон-металлургия комбинати» ДКнинг 2020 йил 13 октябрдаги 02-05-05/10734-сон маълумотномаси). Натижада, кончилик ишларини беҳатар олиб боришни ва муҳандислик иншоотларини ҳимояловчи целикининг ўлчамларини оптималлаштириш ва нофаол руда захирасини камайиши ҳисобига уларни сақлаб қолиш имконини берган.

“Чармитан” конидаги ер ости кончилик ишларининг таъсирида тоғ жинслари ва ер сиртининг силжиш жараёнларини кузатиш бўйича меъёрий ҳужжатлар «Навоий кон-металлургия комбинати» ДК Жанубий бошқармасининг Зармитан рудникада амалиётида жорий этилган («Навоий кон-металлургия комбинати» ДКнинг 2020 йил 13 октябрдаги 02-05-05/10734-сон маълумотномаси). Натижада, таг томонидан қазилган объектлардаги хавfli деформацияланиши бўйича ҳимоялаш чора тадбирларини қўллаш самарадорлигини таъминловчи меъёрий кўрсатмалар тавсия этилган ва рудник маркшейдерлик хизматини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган..

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий ишлар чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та, жумладан, Республика нашрларида 5 та ва хорижий журналларда 2 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига тадқиқотнинг мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, қўлга киритилган натижаларнинг илмий ва амалий моҳияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётда жорий қилинганлиги, чоп этилган илмий ишлар рўйхати ва диссертациянинг ҳажми ва тузилмаси баён қилинган.

Диссертациянинг биринчи бобида «**Олтин рудали конларни ер ости усулида қазиб олишдаги тоғ жинслари ва ер сиртини силжиш жараёни**»ни ўрганилганлиги руда конларини ер ости усулида қазиб олиш шароитида тоғ жинслари ва ер сиртини силжиш жараёнига таъсир кўрсатувчи омиллар ва шароитлар таҳлил қилинган.

Массивнинг геомеханик ҳолати ер ости усулида кончилик ишларини беҳатар олиб боришга таъсир кўрсатувчи энг муҳим омил ҳисобланади. Кончилик ишлари табиий кучланиш ҳолатини ўзгартиради ва у ер сиртини чўкиши, тоғ жинсларининг деформацияланиши ва унинг ўзга кўринишларини пайдо қилиши авария ҳолатларига сабабчи бўлиши мумкин.

Шахта шароитидаги жойларда амалга ошириладиган тадқиқотлар, структурали анизотропия ва физик-механик хоссалар аниқловчи омил бўлган аралаш муҳит математик назариясига асосланган моделлаштиришлар тоғ жинсларини силжиши соҳасидаги тадқиқотлар асосини ташкил этади.

С.П.Авершин, И.М.Бахурин, Д.А.Казаковский, И.А.Петухов, М.В.Коротков, И.А.Турчанинов, И.А.Июфис ва бошқалар тоғ жинсларининг силжиш жараёнларини ўрганишда салмоқли ҳисса қўшган.

Эластиклик назариясининг энергетик омилларига таянган чекли элементлар ва вариацион-айирмали методлар қўлланилган даражали муҳит механикаси талабларига асосланган моделлаштиришнинг рақамли усуллари силжиш жараёнларини ўрганишда сўнги йилларда истиқболли ҳисобланмоқда.

Чекли элементлар усули (ЧЭУ) кучланиш-деформацияланиш ҳолатининг ясси ёки фазовий элементлар жамланмасини аниқланган кўринишига асосланган. Деформацияланаётган мураккаб кўринишли чегара хилма-хиллик хоссасини ҳисобга олиш ҳар бир элементини алоҳида-алоҳида аниқлаш зарурияти имконини яратади.

Хилма-хил кон-геологик шароитларда ер сиртининг силжиш ва деформацияланиш усуллари ишлаб чиқиш; кончилик ишлари олиб бориладиган чуқурликни ошиб бориши бўйича силжиш жараёнлари асосий параметрларини аниқлаш; фойдали қазилма уюми ётиқ ва тик ёнбошларидаги тоғ жинслари силжишининг параметрлари ва тавсифларига заифлашган сиртларнинг таъсирини баҳолаш; рудали конларни қазиб олишдаги ер сирти ва иншоотларни муҳофазалаш бўйича меъёрий ва йўриқномавий ҳужжатларни тайёрлаш каби масалалар долзарб бўлиб қолмоқда.

Диссертациянинг иккинчи бобида «**Ер ости усулида қазиб олишда тоғ жинслари массиви ҳолатидаги ўзгаришларни прогнозлаш**»да тоғ жинсларининг силжиш жараёнига таъсир этувчи омилларни ўрганилган. Булар техноген ва табиий омиллардир

Техноген омилларнинг мақсадли ўзгариши деформацион жараёнларни замон ва макон ўлчамида бошқариш имконини яратади. Мазкур принципда тоғ жинслари массивининг геомеханик ҳолатини бошқариш услублари тузилади.

Мулдадаги деформациянинг тақсимоти ва силжиш параметрларини белгилаб берувчи омиллар сирасига тоғ жинсларини ётиқлик бурчаги киради. Руда танасини ётиқроқ жойлашувида силжишнинг ташкил этувчиси вертикалининг ярмидан ошмайди. Ётиш бурчаги 65° бўлганда горизонтал ташкил этувчи вертикалга нисбатан тахминан икки баробар кўп. Шунинг билан бирга руда танасининг ётиқлик бурчаги $45-70^\circ$ бўлганда ярим мульдада ётиқлик чизиғи бўйлаб фақат чўзилиш деформацияси намоён бўлади, тиклик томон эса фақат сиқувчи деформациялар ер сирти участкасида кузатилади. Ётиқлик бурчак 70° дан ошганда силжиш мульдаси симметрик кўрсаткичга қайтади.

Силжиш жараёнида тоғ жинслари танасида қайишқоқ, эластик ва эгилувчан қайишқоқ деформациялар содир бўлади ва шу сабабли кончилик ишларининг салбий таъсирга учраган тоғ жинслари танасидаги жараёнлар универсал ифодалаш имконини қолдирмайди.

Деформацияланиш жараёнида битта участкадаги ўзгариш қонуниятлари ҳар хил бўлишлиги масалани янада мураккаблаштиради.

Чармитан конига ўхшаш шароитдаги 100-200 м чуқурликда қазилган ишлари олиб борилганда ўтказилган тадқиқотларда кенглик йўналишидаги горизонтал кучланиш $Y=(3.2-4.0)\gamma H$, меридионал йўналишдагиси $X=(2.6-2.8)\gamma H$ ва вертикал томондагиси $Z=1.8\gamma H$ га тенг бўлган. Чармитан конидаги 70° остида ётган руда танасининг мавжуд захирасини магазинлаб ва тоғ жинсларини қулатиб қазиб олиш кўриб чиқилган. Чармитан кони шароитида тоғ жинслари массиви баъзи бир участкаларида тектоник узилмалар таъсирида бузилган.

Тектоник узилмаларнинг қазиб олинаётган руда танасига нисбатан жойлашувидан уларнинг ер сиртини силжишига ва кон лаҳимларида тоғ жинсларининг қулашига бўлган таъсир даражасига боғлиқ бўлади.


Дарзликларни зич тарқалган зоналари тектоник узилмаларга боғлиқ бўлиб, улар массивда заиф структуралар пайдо қилади ҳамда тоғ жинсларининг силжиш ва қулаш жараёнларини содир бўлишлигига асосий рол ўйнайди.

Диссертациянинг учинчи боби «**Чармитан кони худудида ер сиртини тағ томонидан қазилган ишлари олиб борилгандаги геомеханик жараёнлар мониторинги**»га бағишланган бўлиб, унда геомеханик мониторингни ташкил қилиш, тоғ жинслари массивидаги деформацион жараёнларни назорат қилиш, инструментал кузатувлар натижаларини таҳлил қилиш, тоғ жинслари ва ер сирткини силжишини олдиндан баҳолаш бўйича маълумотлар келтирилган.

Чармитан конидаги ер сирти ва тоғ жинслари массивининг геомеханик ҳолатининг тадқиқи «Геолог» кўрғони худуди ва «Вспомогательная» шахтаси атрофида амалга оширилди. Мазкур шароитда тоғ жинслари массивининг деформацияланиши ва ер сиртининг силжиши ва бузилганлик даражасини геомеханик мониторинги ташкил этилган эди.

Кон ер ости усулида қазиб олинганда ер сирти чўкишининг шакли ва қиймати кон дислоқцияси худуддаги бошланғия кучланиш майдони параметрларига боғлиқлиги аниқланган бўлиб, тектоник узилмалар блокларининг ўзаро ҳаракати силжиш жараёнини содир бўлиш қонуниятларини сезиларли даражада ўзгаришига олиб келади.

Рудник худудида тоғ жинсларини силжиш жараёнининг пайдо бўлиш қонуниятларини ўрганиш учун мавжуд кузатиш тўхтаи таъмирланиб, янги кузатиш тўхтамлари ташкил этилди ва даврий кузатишлар амалга оширилди. Янги кузатиш тўхтаи ўзаро 150 м масофада жойлашган иккита профиль чизиқдан ва бешта кўндаланг профильга перпендикуляр бўлган кўндалангликдан (поперечникдан) иборат (1-чизма).



а) 1-сон профиль чизиғи («Геолог кўрғони») б) 2-сон профиль чизиғи («Вспомогательная» шахтаси)

1-чизма. Кузатиш тўхтаи плани:

Тоғ жинслари ва ер сиртини силжиш жараёнларининг параметр ва тавсифлари кузатиш тўхтамларини лойиҳалаш, кузатишлар ўтказиш ва натижаларини ишлаб чиқишда инobatга олинган, жумладан: тоғ жинслари массивининг структуравий хусусиятлари; руда таналарининг шакли, ўлчами жойлашиш чуқурлиги; қазиб олинган ер ости фазосининг қазиш чуқурлигига нисбати; тоғ жинслари ва руданинг физик-механик хоссалари, уларнинг ётиқлик бурчаклари; руда қазиб олинadиган кон лахимларида шипни бошқариш усуллари.

Инструментал кузатиш натижалари шуни кўрсатадики, энг катта силжиш қиймати 32,9 ва 35,6 мм га тенг бўлган.

Ўтказилган маркшейдерлик кузатишлар силжиш ва деформацияланиш ер сиртида локал характерга эга бўлиб, аолҳида ўпирилиш, дарзлик ва силлик чўкиш кўринишида намаён бўлишини кўрсатди. Деформацияларнинг локал содир бўлиши юқори горизонтдаги кон лаҳимлари устида жойлашган участкаларга тўғри келади ва улар тектоник узилмаларнинг ер сиртига чиқиш ва шамол таъсирида бўлган тоғ жинслари билан боғлиқ.

Зармитан олтин рудали конлар зонаси худудидаги конларда маркшейдерлик кузатувларни такомиллаштириш тавсия қилинган. Жумладан, қазиб олинаётган руда таналаридан юқорида жойлашган капитал кон лаҳимларида инструментал ўлчашлар ва нукталарнинг координаталарини глобал позицион тизимлар (GPS) воситасида аниқлашни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.


Диссертациянинг тўртинчи боби «**Математик моделлаштириш негизида тоғ жинслари ва ер сиртини силжиши параметрларини баҳолаш ва прогнозлаш**» чекли элементлар методидан фойдаланиб рақамли моделлаштиришни қўллаган ҳолда тоғ жинслари массивини кучланиш-деформацияланиш ҳолатидаги (КДХ) ўзгаришларни баҳолаш механизмига бағишланган. КДХ ни математик моделлаштириш COSMOS/Works дастурида амалга оширилган. COSMOS/Works - бу таҳлилнинг чекли элементлар тизими бўлиб, у SolidWorks уч ўлчамли лойиҳалаш муҳитига интеграллашганлиги туфайли кўп сонли деталлардан ташкил топган конструкцияларни ҳисоблаш ва оптималлаштириш учун дастгоҳ яратиш имконини берди.

Чекли элементлар усулининг (ЧЭУ) асосий ғояси бу аралаш муҳит механикаси дифференциал тенгламалардан элемент чўққисининг нисбий силжиган чизикли тенгламалар тизимига ўтиш. Амалий масалаларни ечишнинг қийинлиги шундаки, маълумотларнинг катта массивларига кириш ва чиқишда элементлар бўйича юқори тартибли тенгламаларни ечиш зарурияти мавжудлигидир.

Массив кучланиш деформацияланиши чекли элемент моделида бажарилган ҳисобдан келиб чиқиб, 62, 40 ва 41 метр ўлчамдаги ҳимоя целиклари таҳлил қилинган. Моделда олинган (2-чизма) натижаларни таққосидан ҳимоя целикиннинг ўлчами 43м бўлганда муҳофаза худуди учун кутилаётган деформациялар ҳисобланган мазкур модель куйидагича ифодаланади

$$U = \frac{[1 + 2\chi^2 - 2\nu(2\chi + \chi^2)] \cdot m\gamma^2 [H^3 - (B + Mo)^3]}{6E \sin \alpha}, \quad (1)$$

бу ерда E – Юнг модули; χ – ёнбош таянч коэффиценти; ν - Пуассон коэффиценти; B – ҳимоя целики қалинлиги; α – руда танасининг ётиқлик бурчаги ; Mo – қоплама тоғ жинслари қалинлиги; H -қазиб олиш чуқурлиги.



2-чизма. Массивнинг ҳисоб модели

Кучланиш-деформацияланиш ҳолатини моделлаштириш учун руда минералларининг қуйидаги кўрсаткичлари танланган: дала шпати (68,4%), кварц (20%), сульфидлар (5,6%). Ёндош тоғ жинслари граносиенит, биотит. Туб тоғ жинсларининг устига тўртинчи давр ётқизиклари жойлашган ва уларнинг қалинлиги 8-22 м рельефнинг пастки отметкаси 931м бўлиб, баландликларининг ўзгариши 30 м ни ташкил этади.

Токтоник узилмалар руда танасидан Жанубий шарқда жойлашган бўлиб, химоя зонаси марказий узилмадан камида 70 м узоқликда жойлашган. Шелли ҳолсизлантириш усулида ўлчанган тектоник кучланиш қуйидаги қийматларни берди: вертикал йўналишда 2,1 МПа, руда бўйлаб 2,8 МПа, кўндаланг ҳолатда -2,9 МПа.

Массив хоссаларини баҳолаш учун шунингдек уларнинг бир ўқли сиқишга бўлган чекли мустаҳкамлик кўрсаткичи билан корреляцион боғлиқларидан фойдаланилган.

Мавжуд кўрсаткичларни янада аниқлаштириш мақсадида тоғ жинслари механик характеристикаларини намунадан массивга ўтказишни иккита «ўрталатиш» ва «пасайтириш» аспектида ўрганилган (1-жадвал). Структуравий заифлашув коэффиценти $K_c=0,3$ сиқишга бўлган мустаҳкамлик бўйича.

1-жадвал

Тоғ жинсларини механик характеристикаси

Зичлик $P, \text{ кг/м}^3$	Бир ўқли сиқиш бўйича мустаҳкамлик, МПа		Протодяконов бўйича тоғ жинси мустаҳкамлиги, f	Юнг модули $E, \text{ МПа}$	Пуассон коэффиценти ν
	σ_c	σ_p			
Граносиенит					
2520	34.78	3.25	4.56	$1.888 \cdot 10^4$	0.23
Руда					
2798	41.76	3.9	5.12	$2.054 \cdot 10^4$	0.24

Руда танасининг қуйидаги кўрсаткичлари бўйича массив геометрияси моделлаштирилган: руда уюмини қазиб олиш 840 м горизонт билан чегараланган, рельефнинг ўртача сатҳи 946м (моделнинг ер сирти чегараси); қазиб олиш чурурлиги 106 м, қоплама жинс қалинлиги 22м, туб тоғ жинслари қалинлиги 84м, руданинг қалинлиги 1,7м. Химояланадиган сиртнинг руда йўналиши бўйича узунлиги 210 м; ётиқлик бўйича ўлчами 158м тоғ жинсларидаги силжиш бурчаги: чўзиқлик бўйича $\alpha=70^\circ$ ётиқлик бўйича 47° ,

катлама жинсларда 50°. Чекли элементлар методини қўллаб топилган ечим тадқиқ қилинадиган массивнинг чеклаш шароитига мос бўлиши керак.

Мазкур шароитлар энг оддий ифодаланади, қачонки массивнинг чегараси қазиш ҳудудидан ташқарида бўлса, яъни қаерда массив кончилик ишлари бошланмаган ҳолатга яқин бўлганда.

Моделни текшириш шароитлари уч омилни ўз ичига олади: тоғ жинслари массивини мустаҳкамлигини таъминлаш; бино ва иншоотларни химоялаш; рудани қазиб олиш ҳажмини оптималлаштририш.

Тоғ жинслари массивининг мустаҳкамлиги бир ўқли сиқиш ва чўзишга бўлган мустаҳкамликни 4 баробарлик захираси билан таъминланади, яъни $\sigma_c = 8.7$, $\sigma_p = 0.81$ МПа.

Мухандислик иншоотларини сақланиш шароити қуйидагича ифодаланади

$$\chi_2 = (|\varepsilon| - |\varepsilon_{\max}|) \geq 0, \quad (2)$$

бу ерда $|\varepsilon| = 3 \cdot 10^{-3}$ - нормаль деформациянинг рухсат этилган қиймати; $|\varepsilon_{\max}|$ - массив сиртидаги максимал деформациянинг мутлоқ қиймати, чекли элементлар усули моделини тахлилидан аниқланади; χ_2 - кўрғонни мухофазалаш шароитидаги хатолик қиймати. Руда ҳажмининг оптимал қиймати $\chi_v = 0$ шартига мос бўлади. Бу ерда χ_v - потолочина ва массивнинг бошқа ўлчамлари билан фарқланадиган моделлар учун энг катта ўзгаришга эга бўлган хатоликларга мос келади.

$B=62$ м, $B=40$ м ва $B=41$ м бўлган моделлар учун текширув маълумотлари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал


Моделлар учун текширув маълумотлари

$^1\varepsilon_{p,\max} \cdot 10^{+4}$	$^1\varepsilon_{c,\max} \cdot 10^{+4}$	χ_2	$\sigma_{p,\max}$, МПа	χ_1 , МПа	$\sigma_{c,\max}$, МПа	χ_1 , МПа	$^1V_{,\max}$, мм
B=62м							
+0.021	-0.23	$2.98 \cdot 10^{-3}$	0.6 ³	0.21	-6.3 ²	2.6	11.1
B=40м							
0.08	-0.25	0.00298	0.84 ⁵	-0.003	-8.42 ⁷	0.28	-11.6
B=41м							
0.073	-0.249	0.00298	0.75 ⁵	0.06	-7.15 ⁷	1.55	-11.6

Изоҳ 1: ¹- граносиенитдан тепада, ²- қазилмани ётган биқини бурчагида, ³- қазилма шиғтида, ⁴- қазилма тик биқини бурчаги, ⁵- қазилма тик биқинида, ⁶- қазилма панасида, ⁷- қазилма ётиқ биқинида, ⁸- қазилма биқинида, ⁹- Ер сиртида: $\max(\varepsilon_1, \varepsilon_2, \varepsilon_3)$.

Ҳисоблар шуни кўрсатдики, химоя целикининг қалинлиги 41м бўлганда, мустаҳкамлагич массив мустаҳкамлигини таъминлаши ва бино-иншоотларни сақлаб қолиши мумкин бўлади. Агарда қазиш фазоси тўлдириладиган бўлса химоя целикининг қалинлигини камайтириш мумкин бўлади.

3-чизмада руда танасига кўндаланг йўналишидаги кесимда массив деформациясининг графиги сақланиш шартига риоя қилмаган ҳолат учун келтирилган.




3-чизма. Руда танасига кўндаланг йўналиши бўйича массив сиртининг деформацияланиши


Ҳисоблар натижаси бўйича моделнинг пастки горизонтга нисбатан туб тоғ жинслар сиртининг чўкиши $V_0=10.87$ мм ни ташкил қилган.

Қазиш кон лаҳими ва оғирлик кучларининг бирлагикдаги таъсири натижасида чўкишнинг максимал қиймати $V_1=11.6$ мм бўлган. Демак, фақатгина қазиш ишлари таъсирида чуқишнинг максимал қиймати 0.7 мм бўлади (4-чизма).

Ушбу нуқтанинг горизонтал масофаси қазилма кўндаланг қирқими горизонтал проекцияси марказидан 26.5 м ни ташкил этди. Эпюраларни таққоси шуни кўрсатдики, қазилманинг массив ичидаги чўкишга таъсири унинг шиби устида бўлади. Қазилма таъсиридаги энг катта чўкиш шифтда $\eta_k=1$ мм, қазилма уст биқини сатҳидаги чуқурликда 6.56 мм, пошнода 0.1 мм. ни ташкил этади.




4-чизма. V_{max} кесимдаги вертикал силжиш




5-чизма. Руда танаси чўзиқлигига ҳож кесимдаги горизонтал силжиш эпюраси

5-чизмада руда чўзиқлик чизиғига кўндаланг кесимда горизонтал силжиш кўрсатилган. Унинг ўзгариш интервали +1.44 мм дан (шифт) – 1.03 мм гача (пошно).



6-чизма. Руда танаси чўзиқлиги бўйлаб йўналтирилган σ_2 бош кучланиш эпюраси



7 – уст сирт устидаги нукта, 11 – уст сирт ўртаси, 15- ост сирт тагидаги нукта, 0 – Ер сиртидаги нукта

7-чизма. Кон уюми сирти ва уст чизиғи бўйлаб σ_1 бош кучланиш эпюраси

Массив мустаҳкамлик ҳолатининг таҳлили учун кучланишнинг тўлиқ қиймати муҳим. 6-7- чизмаларда бош кучланиш эпюраси кўрсатилган.

41 м қалинликга эга бўлган ҳимоя целики туб тоғ жинслар бўйича чекли элементлар негизда тузилган модел таҳлили шуни кўрсатдики, унда қабул қилинган қазилма фазоси ўлчамлари ва қончилик ишлари чуқурлиги тоғ жинслари массиви мустаҳкамлигига ва муҳандислик иншоотларини муҳофазалаш шароитига мос бўлади ҳатто ушбу фазо ихтиёрий материал билан тўлдирилганда ҳам.

Ухшаш масалаларни 840 м горизонтдан пастдаги шароит учун ечмоқчи бўлсак унда янги тадқиқотлар ва тўлдирма материаллар қотгандан кейинги жинсларнинг механик хоссаларини ўрганиш ишларини олиб бориш зарур бўлади.


Натижада юзага келадиган силжишлар ер сиртининг уювчи жинсларининг жойланиши ва деформацияларининг олинган қийматлари моделлаш учун энг юқори мустаҳкамлик хоссаларига эга бўлган жинслар (граносиенитлар) ишлатилганлиги сабабли унчалик аҳамиятга эга эмас. Массивда камроқ бардошли жинслар, носозликлар ва турли хил ёриқлар мавжудлигини ҳисобга олсак, ҳақиқий массивдаги ушбу қийматлар моделда олинган кўрсаткичлардан ошиб кетади.

Ер сиртининг силжиши ва деформацияланишини ҳисоби бино, иншоотлар ва бошқа объектлар ер ости қончилик ишлари зонаси таъсирида бўлганлари сабабли олиб борилади. Олинган натижалар туфайли тағ қазилмалар мумкинлиги, ҳимоя чора-тадбирлари ва таъмирлаш ишларига кетадиган харажатлар аниқланади.

Руда таналарини кесиб ўтадиган 25,30, 35 ва 40, разведка чизиқлари бўйлаб қазилма ишлари олиб борилганда ер сиртини тағ томондан қазилма хавфсизлик чуқурлиги ҳисоблаб топилган, кесувчи руда таналарини тўлдирма жинслардан фойдаланиб қазиб олишдаги уларнинг самарали йиғинди қалинлиги $m_3 = 0,577$ м ни ташкил қилди. Тўлдирма материалнинг киришиб кетиш коэффиценти 0,15 га тенг.

Белгиланган химоя тоифаси (III-тоифа) ва хавфсизлик коэффиценти (50)дан келиб чиқиб, химоя целикининг қалинлиги 43 м ни ташкил этди ва у $n_3 = 1,5$ тенг бўлган захира коэффицентиغا эга.

Тадқиқ этилаётган участка худудида 5-12 м қалинликдаги руда билан катламланган тоғ жинслари жойлашган (8-чизма).



8-чизма. Зармитан руднигининг +840 м горизонтини плани (Масштаб 1:5000)

Руда танаси жойлашган худудида РЛ25, РЛ30, РЛ35, РЛ40 разведка чизиқлари бўйлаб тағ томондан кончилик ишлари олиб борилаётган шароитда ер сиртининг кутилаётган сурилиши ва деформацияланиши ҳисобланган ва мазкур руда таналари ўзаро яқин жойлашган таналар сирасига киритилган. Бундай руда таналарини қазиб олиш жараёнида ер сиртини деформацияси жамланган ўлчаш натижалари 3 - жадвалда келтирилган бўлиб, унда кутилаётган силжиш ва деформациялар химояланадиган бино ва иншоотлар учун йўл қўйилган кўрсаткичлардан анча паст.

3-жадвал

Кутилаётган деформациялар ҳисоби

РЛ	$m_{эф}$	q_0	$\cos\alpha$	η_m	i	ϵ
35	0,493	0,6	0,342	0,101	0,0086	0,00081
34	0,472	0,6	0,342	0,097	0,0086	0,00078
33	0,761	0,6	0,342	0,156	0,0086	0,00125
32	0,581	0,6	0,342	0,119	0,0086	0,00095

Шундай қилиб, ҳар бир руда танасини қазиб олиш натижасида мавжуд бўлган тағ қазишнинг хавфсиз чуқурлиги ер сирти деформациясини жамлаш усули билан ҳисобланган. Химоя целиги қалинлиги 43м бўлганда химояланадиган худуд учун кутиладиган деформациялар аниқланган ва улар кончиликдаги химоялаш талабларига жавоб беради. Рудани қазиб олишда содир бўладиган ва кутилаётган деформациялар қазиб олишнинг беҳатар чуқурлигидан пастда йўл қўйилгандан кичик. Ҳисоб натижалари чекли элементлар усули негизида бажарилган математик моделлаш кўрсаткичлари билан тасдиқланган.

ХУЛОСА

«Олтин рудали конларни ер ости усулида қазиб олиш шароитида геомеханик жараёнларни математик моделлаштириш негизида тоғ жинслари массиви ва ер сиртининг силжишини прогнозлаш» мавзусидаги техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотларга асосланган ҳолда назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Қазиб олинadиган объектларни муҳофазалаш чораларини кўриш ва қазилма бойликларни беҳатар ўзлаштириш, ер сиртининг чўкиш параметрларини тезкор аниқлашнинг ишончилигини ошириш мақсадида, замонавий электрон-оптик асбоблар ва сунъий йўлдошли технологиялардан фойдаланган ҳолда, ер сирти деформацияланишининг маркшейдерлик-геодезик кузатиш усуллари тадбиқ этилди.

2. Чармитан конида кўп сонли йирик, ўрта ва кичик тектоник узилмалар ривожланган бўлиб, улар тоғ жинслари массивини хилма-хил ўлчамдаги блоklarга бўлганлиги аниқланди. Тектоник блоklar ва узилмалар туфайли яратилadиган кучланишлар ер сирти ва тағ томондан қазилмали тоғ жинслари массивида силжиш жараёнларини содир бўлиш қонуниятларини кончилик ишлари олиб борилмаган участкаларга нисбатан кескин ўзгаришига олиб келиши ва кучланиш–деформацияланишни баҳолаш имконини берди.

3. Кон лаҳимининг тоғ жинсларига бўлган таъсирининг табиий қияланиш бурчаги остида тарқалиши, тоғ жинслари қулашининг бўлажак зонаси ва қулайдиган тоғ жинслари билан тўлдирилиши мумкин бўлган қазилган бўшлиқ ҳажми ва кончилик ишлари таъсирида механик заифлашган участка чегараси билан белгиланиши ҳамда тоғ жинсларининг $60-70^\circ$ бурчак остида қулаши тасдиқланди.

4. Туб тоғ жинсларининг силжиш бурчаклари ер сирти тағ томонидан кончилик ишлари билан тўлиқ қамраб олинганлик шароитида, руда танаси ётиқлик бурчаги (α) га нисбатан ўзгариши аниқланди.

5. Ер сирти деформацияланишини жамлаш усулида ҳар бир руда танасини қазиб олиш билан боғлиқ бўлган ишларнинг салбий таъсиридан бино, иншоотлар ва табиий объектларни муҳофазалаш чора тадбирлари тўғрисидаги Йўриқномага мос равишда қазиб олишнинг хавфсиз чуқурлиги ва Зармитан руднигига тегишли ер ости ишлари ҳудудидаги тағ қазилма шароитидан келиб чиқиб, «Геолог» кўрғони остида қолдирилadиган целикнинг қалинлиги аниқланган.

6. Умумийлаштирилган корреляцион боғлиқликлар туфайли «намунадан-массивга» қабилида келтирилган характеристикаларни ҳисобга олган ҳолда, амалиётда қўлланилиши мумкин бўлган ёндош тоғ жинсларининг механик хоссалари асосида аналитик ифодалар ишлаб чиқилди ва қўланилди.

7. Ҳимоя целикининг 43 м қалинлигида «Геолог» кўрғони учун кутиладиган деформациялар ҳисоблаб топилди. Қабул қилинган ҳимоя цилики қалинлиги кончилик муҳофазаси қоидалари талабларига жавоб берадиган, руда таналарини қазиб олишдаги хавфсизлик чуқурлигидан пастда

кутилаётган деформациялар йўл қўйилган кўрсаткичлардан камлигини аниқлаш имконини берди.

8. Руда таналарини хафвсизлик чуқурлигидан пастда қазиб олиш тавсия этилган ҳимояланадиган ҳудудни тағ томондан қазилма шароитини туғдирадиган руда таналарининг қазилма фазосини тез қотадиган аралашмали материаллар билан тўлдириш ва технологиялар воситасида қазиб чиқариш ва ер сирти ҳамда тоғ жинслари массивининг силжишини тизимли равишда кузатиб бориш усуллари ишлаб чиқиш имкониятини таъминлаб берди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
DSc.22/30.12.2019.Т.98.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ФИЛИАЛЕ НАЦИОНАЛЬНОГО ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОГО
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОГО УНИВЕРСИТЕТА «МИСИС» В ГОРОДЕ АЛМАЛЫК**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНИ ИСЛАМА КАРИМОВА**

НИЗАМОВА АЛЬБИНА ТАЛГАТОВНА

**ПРОГНОЗИРОВАНИЕ СДВИЖЕНИЯ ЗЕМНОЙ ПОВЕРХНОСТИ И
МАССИВА ГОРНЫХ ПОРОД НА БАЗЕ МАТЕМАТИЧЕСКОГО
МОДЕЛИРОВАНИЯ ГЕОМЕХАНИЧЕСКИХ ПРОЦЕССОВ В УСЛОВИЯХ
ПОДЗЕМНОЙ РАЗРАБОТКИ ЗОЛОТОРУДНЫХ МЕСТОРОЖДЕНИЙ**

04.00.09 – Маркшейдерия

АВТОРЕФЕРАТ

диссертации доктора философии по техническим наукам (PhD)

Алмалык – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.2.PhD/Т396.

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме) размещен на веб-странице Научного совета (www.misis.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Сайидкосимов Сайиджаббор Сайидкосимович кандидат технических наук, доцент
Официальные оппоненты:	Низаметдинов Фарит Камалович доктор технических наук, профессор Чунуев Ишимбай Карыбаевич кандидат технических наук, профессор
Ведущая организация:	ГУП «УзГЕОРАНГМЕТЛИТИ»


Защита диссертации состоится «13» января 2021 г. в 16⁰⁰ часов на заседании разового научного совета на основе научного совета DSc.22/30.12.2019.Т.98.01. (Адрес: 110101, Ташкентская область, город Алмалык, улица Амира Темура 56. Телефон: +99870 614-22-57, e-mail: afnitumisis@mail.ru).


С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Национального исследовательского технологического университета «МИССИС» (зарегистрирован за № 20-03-Д). Адрес: 110101, Ташкентская область, город Алмалык, улица Амира Темура 56. Телефон: +99870 614-22-57.

Автореферат диссертации разослан «29» декабря 2020 года.
(реестр протокола рассылки № 3 от «29» декабря 2020 г.)



Ф.Я. Умаров
Председатель Разового научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор


Г.С. Нутфуллаев
Ученый секретарь Разового научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент


Ю.Д. Норов
Председатель научного семинара при Разовом научном совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире при углублении горных работ (от 1000 м и более) геомеханические проблемы, связанные со сдвижением горных пород и земной поверхности в связи с увеличением масштабов происходящих процессов, освоением месторождений в застроенных районах и быстрым темпом наращивания мощности горнодобывающих предприятий приобретают особую актуальность. Проблемы в области сдвижения горных пород и земной поверхности всегда остро стояли на протяжении всей истории подземной разработки рудных месторождений. На сегодняшний день в мировой практике глубина разработки достигла 2000 м и более и оказывает существенное влияние на напряженно-деформированное состояние массива горных пород, а также на эффективность и безопасность ведения горных работ. Несмотря на многочисленные исследования в области изучения процессов сдвижения горных пород многие важные вопросы остаются не решенными, что обусловлено сложным характером проявления напряженно-деформированного состояния (НДС) разрабатываемых месторождений и влиянием многочисленных естественных и техногенных факторов. В связи с этим, разработка инженерных методов охраны подрабатываемых зданий, сооружений, горных выработок и природных объектов от вредного влияния подземных разработок на базе прогнозных расчетов параметров сдвижений и деформаций массива горных пород и земной поверхности является важной научно-технической задачей данной проблемы.

Большое внимание уделяется повышению уровня развития горнодобывающей промышленности, которая является одной из важнейших отраслей экономики страны, особенно при подземной добыче полезных ископаемых на больших глубинах в сложных сейсмотектонических условиях. На многих рудниках Узбекистана достигнута глубина 600 м и более. В связи с чем безопасное ведение горных работ становится важнейшей задачей управления геомеханическим состоянием массива горных пород. Несмотря на достигнутые определенные успехи в оценке горного давления и оптимизации ведения горных работ в сложных горнотехнических условиях, уменьшения потерь и разубоживания руды остаются актуальными следующие задачи: определение основных параметров процесса сдвижения с увеличением глубины горных работ; разработка методов расчета сдвижений и деформаций земной поверхности в различных горно-геологических условиях; оценка влияния плоскостей ослаблений на характер и параметры сдвижения пород всячего и лежачего боков залежи при подземной разработке крутопадающих сближенных рудных тел; составление нормативных документов по охране сооружений и земной поверхности при разработке рудных месторождений подземным способом. На основе чего внедрены научно-обоснованные

мероприятия и достигнут ряд научных результатов. В Стратегии действий¹ по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены задачи по широкому внедрению в производство энергосберегающих технологий и повышению производительности труда. В связи с этим выполнение задач прогнозирования процесса сдвижения горных пород и земной поверхности при подземной разработке золоторудных месторождений является актуальной научно-практической задачей.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4707 от 4 марта 2015 г. «О программе мер по обеспечению структурных преобразований, модернизации и диверсификации производства в 2015-2019 гг.»,² и №УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в этой сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данные исследования выполнены в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики: VII. «Науки о Земле (геология, геофизика, сейсмология и переработка минерального сырья)».

Степень изученности проблемы. Изучению проблем сдвижения горных пород посвящены труды П.Н. Леонтовского, И.М. Бахурина, О.Л. Кульбаха, С.Г. Авершина, Д.А. Казаковского, В.В. Сколовского и других ученых. Более поздние исследования выполнены М.А. Кузнецовым, Г.В. Орловым, С.П. Колбенковым, Е.В. Куняевым, П.Ф. Гартнером, И.А. Петуховым, Ф.К., Низаметдиновым, В.Н. Гусевым, М.Б. Нурпеисовой, Рахимовым В.Р., С.С. Саййидкосимовым, Williams I., Szwedzicki T., Rossouw P.A., Fourie G.A., Zhang L, Tyler W.D., Stewart D.S., Trueman R. Whiten W., Laubscher D.H., Butcher R.J. и др. Ими достигнуты значительные успехи в совершенствовании методики исследований сдвижения горных пород и земной поверхности.

В ходе многочисленных исследований сформировались два основных направления изучения этой проблемы: горное давление и сдвижение горных пород и земной поверхности. Сдвижение горных пород по первому направлению изучается преимущественно в толще пород и в горных выработках. По второму направлению изучаются сдвиги земной поверхности и промежуточной толщи пород с целью установления мер охраны сооружений и горных выработок от вредного влияния подземных разработок. Исследования в этом случае проводятся преимущественно путем постановки инструментальных наблюдений за сдвижением земной поверхности и, реже, толщи пород и горных выработок.

В диссертационной работе рассматриваются вопросы второго направления. Сложность задач, связанных со сдвижением горных пород, заключается в том, что наиболее важные из них требуют решения в рамках

¹ Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

² <http://www.lex.uz>

